O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 ЙИЛ 25 АПРЕЛ, СЕШАНБА	№ 17 (169)	Сотувда эркин нархда

Адлия вазирлигида

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган семинар-йиғилиш «Кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишда Адлия вазирлигининг янги функциялари» мавзуига бағишланди.

Семинар-йиғилашда Адлия вазирининг биринчи ўринбосари F.Раҳимов маъруза қилди. Унда Адлия вазирлиги таркибида янги - Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича бошқарма тўғрисидаги Низом ҳамда вилоят адлия бошқармаларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомлар ишлаб чиқилгани ва тасдиқланганлиги эътироф этилди.

Алоҳида Низом билан яна бир расмий ҳужжат — текширишларни рўйхатга олиш Китоби амалга киритилганлиги эълон қилинди. Эндиликда ҳар бир назорат қилувчи мансабдор шахс текширув бошлашдан олдин ушбу Китобга ўз шахси, лавозими, текширув ўтказиш учун асос, текшириш муддати, талаб қилинадиган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни киритиш лозим. Уни тўлдирмаган мансабдор текширувга қўйилмайди.

Иштирокчилар бу Китобга катта қизиқиш мавжудлигини билдиришди. Тадбиркорни ўзига хос ҳимоялаш воситаси, деб баҳолашди.

Шу аснода эндиликда ушбу янги тузилмаларга малакали ва моҳир, маънан пок мутахассислар зарурлиги таъкидланиб, бу борада бажарилиши лозим бўлган энг долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар-йиғилишда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси раиси М.Собиров, Адлия вазирлигининг бош бошқарма бошлиғи Х.Содиқов ва бошқалар ушбу масъулиятли вазифани бажаришда адлия идораларининг ўрни тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилишга қаратилмоғи ғоят муҳимлиги хусусида сўз юритдилар.

Адлия вазирлиги Матбуот хизмати

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида

ФҲДЁ ХОДИМЛАРИ БЕЛЛАШГАНДА...



«...оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги иш эмас, бутун жамият ҳаётига алоқадор масала. Зеро, соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади. Шу боис ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлиги, бир-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўрганиш катта аҳамият касб этади».

Ислом КАРИМОВ

Дунёда шундай касб эгалари борки, улар ҳаётимизнинг қувончли онларида бизга илк бор энг эзгу ниятлар билдириб, жамиятимиз негизи бўлган оилага қонуний тус берадилар, мустақил ҳаётга оқ йўл тилайдилар. Булар ФҲДЁ ходимларидир.

Республика Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан «Шодлик» никоҳ биносида Соғлом авлод йилига бағишлаб ўтказилган Тошкент шаҳар никоҳ уйлари ва ФҲДЁ бўлимларининг «Энг фидойи ходима» номли IV анъанавий кўрик-танлов ана шу касб ходимларининг касб маҳоратлари, миллий урф-одатларимиз, маросимларимиз, маънавият, маърифат борасидаги ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказди.

Кўрик-танловни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар ҳокимияти адлия бошқармасининг бошлиғи вазифасини бажарувчи Ё.Бозорбоев: "Мазкур тадбирни ўтказишда асосий мақсад ФҲДЁ бўлимлари ходимларининг ўз касбини севишга, уни улуғлашга, мутахассисликларини бўйича билимларини ошириш, оила барпо этишдаги ибратли ишларни тарғиб қилишдан иборат, - деди. - Ўйлайманки, қизларимиз кўрик-танловдан олган касб билимларини кундалик ишларида намоён этадилар".

Кўрик-танлов беш шартдан иборат бўлиб, унда ташкилий кўмита тавсия этган 6 нафар Тошкент шаҳар никоҳ уйлари ва ФҲДЁ бўлимлари ходимлари ўзаро беллашишди. Биринчи шарт «Ташриф» деб номланган бўлиб, унда уч дақиқа ичида ҳар бир иштирокчи саломлашиш одоби бўйича ўзи, оиласи, ишлаб турган жамоаси, иш фаолияти ҳақида насрий ва назмий оҳангда маълумот беради ҳамда иш фаолиятларини акс эттирувчи ёзма маълумотлар, фотоальбом, видеотасмалар, фахрий ёрлиқлар, фуқароларнинг миннатдорчилик ёзувларидан кўчирмаларни ҳакамлар ҳайъатига тақдим этади.

«Билимдон ходима» деб номланган иккинчи шартга ҳам қизлар ўз билимларини намойиш этган ҳолда дадиллик билан жавоб бердилар. Айниқса, 5-рақамли иштирокчи, «Оила» маросимлар маркази нозири Дилфуза Аҳмедова ҳамда 1-рақамли иштирокчи, Мирзо Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлими нозири Умида Холматованинг жавоби ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

Тўйлар... Бу маросимда ижро этиладиган оддийгина сурнай навосида ҳам олам-олам маъно ётади. Унинг садоларини эшитишингиз билан қалбингизни қандайдир ажиб туйғулар қамраб олади. Тадбир қатнашчилари «ФҲДЁ фаолиятида маросимларнинг ўрни» номли учинчи шартни намойиш қилишганда, менимча, йиғилганларнинг барчаси ана шундай ҳолатга тушди. Чунки қизлар никоҳ тўйи, бешик тўйи, олтин тўйларни шундай маҳорат билан тасвирлашдики, ўзингизни беихтиёр ана шу тантаналар иштирокчисидек сезасиз.

Никоҳ шартномасининг афзалликлари, ахборот-сервис хизмати ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳеч кимни беэътибор қолдирмади. Ушбу шарт бўйича эса 4-рақамли иштирокчи, «Наврўз» никоҳ саройи нозири Лола Аминованинг маҳорати юқори баҳоланди.

«Муаммо» деб номланган тўртинчи шартда иштирокчилар тирик етимлар, қариндош-уруғлар қудачилиги оқибатида келиб чиқадиган нохушликлар, оила қуриш аввалидаги тиббий кўрикнинг аҳамияти, қайнона-келин ўртасидаги кўнгилсизликларни ўз жамоалари иштирокида интермедия кўринишида маҳорат билан ижро этдилар. Бу шарт бўйича ҳам 5-рақамли иштирокчи Дилфуза Аҳмедова ҳамда 4-рақамли иштирокчи Лола Аминоваларнинг чиқиши кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Қўшиқ-куй, шеърга ошуфта бўлмаган кўнгилларнинг ўзи бўлмаса керак. У қалбимизнинг энг нозик торларини чертиб, бизни ғам-андуҳлардан йироқ қилади. Танлов иштирокчиларининг эркин мавзудаги чиқишлари йиғилганларга хуш кайфият ҳадя этди. Улар нафақат ҳуқуқий билимдон, балки санъат, адабиёт соҳасидан ҳам яхшигина хабардор эканликларини исбот қилдилар.

Ва ниҳоят ҳаяжон билан кутилган дамлар келди. Қизларнинг барча соҳалардаги билимларини сарҳисоб қилиб, ғолибани аниқлаш учун сўз ҳайъат аъзоси, Олий Мажлис депутати Шоира Умаровага берилди.

- Менга қолса қизларимизнинг барисини ғолиб деб баҳолаган бўлардим. Чунки улар барча жабҳаларда билимдон, доно эканликларини, чиройли, бадиий чиқишлари, касб маҳоратларини намойиш этиш билан исботладилар.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан умумлаштирилган баллар йиғиндиси асосида 5-рақамли иштирокчи, «Оила» маросимлар маркази нозири Дилфуза Аҳмедова 23 балл тўплаб, 1-ўрин соҳибаси бўлди. 4-рақамли иштирокчи, «Наврўз» никоҳ саройи нозири Лола Аминова 2-ўрин, 1-рақамли иштирокчи, Мирзо Улуғбек туман ФҲДЁ бўлими нозири Умида Холматова эса 3-ўрин соҳибаси бўлишди.

Ҳайъат аъзолари томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи Дилфуза Аҳмедовага ФҲДЁ мудирлари кенгаши ва ташкилий гуруҳ томонидан рамзий маънода «Энг фидойи ходима» деб ёзилган лента тасма тақдим этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги адлия бошқармаси ва ҳомийлар томонидан юқори ўринларга сазовор бўлган иштирокчилар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Қолган иштирокчилар ҳам эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқ билан рағбатлантирилдилар.

Арофат ОРТИҚОВА, «Инсон ва қонун» мухбири

Анжуман

15 апрел Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактаби битирувчилари, мактаб раҳбарияти, маъмурияти, профессор-ўқитувчилари, битириш маросимига ташриф буюрган фахрийлар ва ота-оналарнинг хотирасида унутилмас кун бўлиб қолади.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

Эрта тонгданоқ билим даргоҳининг байрамона безатилган спорт майдонига йиғилган битирувчиларнинг ота-оналар, меҳмонлар, битирувчилар ва курсантларнинг ўйин-кулгилари ҳарбий оркестрнинг тантанавор мусиқалари билан файзиёб эди. Диплом топшириш маросими бошланиб, битирувчи ва курсантлар алоҳида-алоҳида роталарга бўлиниб, саф тортишди.

Расмий меҳмонлар минбарга кўтарилдилар. Республика Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактаби бошлиғи, ички хизмат полковниги Матрасул Собирович Собиров Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Шавкатжон Мавлонович Мавлоновга билим даргоҳи битирувчилари диплом топшириш тантаналари маросимига сафланганлиги ҳақида рапорт берди.

Ҳарбий ва расмий одатга кўра Ички ишлар вазири ўринбосари сафдаги битирувчи ва курсантлар билан саломлашди. Сўнгра Матрасул Собиров маросимни очиқ деб эълон қилди ва нутқ сўзлади.

- Бугун ҳаяжонли дақиқаларни бошдан кечираётган ёш мутахассислар куни кеча илм даргоҳимизга қадам қўйганди. Қарабсизки, уч йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетибди. Сизлар Ватанимиз мустақиллигининг меваларисиз, - деди М.Собиров. - Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, бизнинг илм даргоҳимизга ўхшаган бир неча ўқув юртлари очилди. Мактаблар, лицейлар, коллежларга асос солинди. Азиз фарзандларимиз ўз она тилида, мамлакатимиз эҳтиёжлари учун етарли миқдорда илм олиш имкониятига эга бўлдилар. Кўплаб оддий фуқароларнинг иқтидорли болалари эса чет мамлакатларда ўқиб келмоқдалар. Миллий кадрлар етиштиришнинг давлат миқёсидаги дастури қабул қилиниб, унинг ижросига катта миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларидан оқ жаҳон талаблари даражасидаги миллий кадрлар тайёрлаш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланди. Бинобарин, шиддат билан ўзгариб, ривожланиб бораётган замон талабларидан орқада қолмаслик керак. Чунки буюк келажакни айнан билимдон, замонавий технологияларни пухта эгаллаган ёш авлодгина таъминлаша қодир.

Бугун битирувчиларимизнинг юзлари ёруғ, қалбларида ғурур! Чунки улар шу мактабда билим олиб, Ватанимиз, халқимиз, мамлакатимиз бойликларини, фуқаролар ҳаёти ва мол-мулкларини ўз ҳаётларини тикиб бўлса-да, ўт балосидан сақлашдек эзгу ишга хизмат қиладилар ва биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Мактабимизда хизмат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг 40 фоизи илмий даража ва унвонларга эга. Шулардан 2 нафари фан доктори, 3 нафари эса докторлик диссертацияси устида ишлаётир. Бу мактабимизда малакали мутахассис тайёрлаш имконияти нақадар кенг эканлигидан далолатдир.

Азиз битирувчилар! Сизлар бугундан эътиборан ёнғин хавфсизлиги мутахассисигина эмас, балки Ички ишлар вазирлигининг офицери ҳамсиз. Бу эса сизнинг зиммангизга янада улкан масъулият юклайди. Офицерлик мундирига, ички ишлар идораси ходими деган шарафли номга заррача доғ туширманг! Турмушимизга ёт ақидаларга берилманг, ўз Ватанингиз, ўз Президентингиз, ўз жонажон халқингизга садоқат билан хизмат қилинг.

Азиз битирувчиларим! Сизларга бахт, омад ва оқ йўл тилайман!

Шундан сўнг ҳарбий оркестр жўрлигида битирувчилар, офицерлар, ўқитувчи ва мураббийлар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этишди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти номидан табрик учун сўз Шавкатжон Мавлонович Мавлоновга берилди.

— Азиз битирувчилар, ҳурматли профессор-ўқитувчилар ва командирлар! Муҳтарам ва муҳтарама ота-оналар, қадрли меҳмонлар! Бугун Республика Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактабида ажойиб ва унутилмас воқеанинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Мактабни муваффақиятли тамомлаган бир гуруҳ ёш мутахассисларга мустақил хизматга йўлланма берилмоқда, - деди Ш.М.Мавлонов. — Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан буён миллий кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, Республика Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Таълим ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилиши кўплаб хорижий мамлакатлар томонидан ижобий баҳоланаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу борада Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактабида амалга оширилаётган хайрли ишлар Республика Президенти ва ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг самараси сифатида ўз ифодасини топмоқда.

(Давоми 4-бетда)

Саҳифамиз номидан ҳам кўриниб турибдики, бугунги мавзу кейинги йилларда анча-мунча типик ҳолга айланиб бораётган ходиса - кишилар ишончини суиистеъмол қилиб, қарз никоби остида ўзгалар мол-мулкини ўзлаштириб олаётган товламачи-фирибгарлар «фаолияти» хусусида. Таъбир жоиз бўлса, мазкур масала оғрикли, ечимталаб муаммога айланиб қолди. Бу эса сизу бизни сергакликка чақириши керак.

3-бетда ана шундай фирибгарлар тузоғига тушиб қолган содда кишиларнинг ҳасратлари баён этилган айрим мактубларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

СИЗНИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ЭШИТАДИ:

Диққат

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири - тадбиркорлар, ишбилармонлар, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш эканлигига эътиборан, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида кенг кўламли тадбирларни амалга оширишга киришди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 феврал «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тезкор алоқалар тизимини ўрнатди. «Ишонч телефонлари» иш бошлади.

Уларнинг рақамлари қуйидагича:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий маҳкамасида	136-05-09
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Нукус шаҳрида	222-26-13
Тошкент шаҳар адлия бошқармасида	162-92-42
Вилоятлар адлия бошқармалари:	
Наманган шаҳрида	6-51-93
Фарғона шаҳрида	24-04-61, 24-25-01
Андижон шаҳрида	25-25-53
Гулистон шаҳрида	25-01-55, 25-19-50
Жиззах шаҳрида	3-35-81, 3-29-81
Самарқанд шаҳрида	33-04-62
Қарши шаҳрида	4-49-05, 4-62-21
Термиз шаҳрида	3-67-96, 3-36-78
Навоий шаҳрида	223-93-95
Бухоро шаҳрида	223-74-16, 223-76-19
Хоразм вилояти (Урганч шаҳрида)	226-03-94, 226-65-50
Тошкент вилояти (Тошкент шаҳрида)	53-82-61, 53-30-02

Эндиликда ҳар қандай шахс ушбу телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришда тадбиркорликни рўйхатга олишдаги турли расмиятчиликлар, барча ноқонуний аралашувлар, асоссиз текширувлар каби тадбиркорларнинг эркин фаолиятига тўсқинлик қилаётган салбий ҳолатлар ҳақида мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Матбуот хизмати

Маънавият

ЯНГИ ТАРИХ САҲИФАСИ

Миллат тақдирига масъулият сезган ҳар бир онгли инсон қалбида ўз халқи тарихига қизиқиш ҳамда унинг бугуни ва келажаги учун қайғуриш иштиёқи жўш уради. Ҳеч кимга сир эмаски, яккаҳокимлик мафкураси даврида адабиёт, тарих, умуман, маданий меросимиз бир томонлама тарғиб қилинган. Воқелигимизни акс эттирувчи бебаҳо асарлар тан олинмай, унинг муаллифлари эса халқ душмани сифатида ноҳақ, асоссиз қораланиб келинган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг бой тарихи, асрлар қаърига бориб тақалувчи ўтмиши, буюк аждодларимиз довруғи бугунги кунда чинакамига ўз қадрини топди. Широқ ва Тўмариснинг афсонавий қаҳрамонликлари, Алп эр Тўнга ва Спитаменнинг кишини лол қолдирувчи баҳодирликлари, Жалолиддин Мангуберди ва Муқаннанинг Ватан озодлиги учун олиб борган курашлари, буларнинг бари биз - ўзбекларнинг меҳнаткаш ҳамда жасоратли халқ бўлганимиздан далолат беради.

Тарих фанлари доктори, профессор Х.Тўраевнинг «Меҳнат» нашриёти томонидан чоп этилган «Истиқлол — иқбол чироғи» номли китоби давр силласи, халқимизнинг мустақилликни қўлга киритиш йўлида бошидан кечирган беқиёс синовлари хусусидаги асардир. Мазкур рисолани жонажон Ватанимиз тарихи ихлосмандлари ҳамда фарзандларимизнинг ватанпарвар, меҳнатсевар, жасур ва мард, умумбашарий ғоялар руҳида камол топишида катта ҳисса қўша оладиган фойдали қўлланма десак, муболаға бўлмайди. Чунки ўтмишни яхши билмай туриб, порлоқ келажакка эришиш мушкул.

Тарихшунос олим тарихий жараёнларда юз берган бетакрор воқеаларни баён этиш орқали жаҳонга юз тутган юртимизнинг ўтмиши, кечмиши ва бугунини инқилобий жараёнларга холисона баҳо бериш орқали баён этади, юртимизнинг ўтмиш ва келажаги хусусидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Ишонамизки, мазкур китоб билан танишган ҳар бир ўқувчи беҳад завқ олиш билан бирга ўз тарихий билимини яна бир карра бойитади, эришган ютуқларимиздан фахр ҳиссини туяди.

А. МИРМУҲАМЕДОВА

Бурч ва масъулият

ХАЛОСКОРЛИК

Эъзозга сазовор бўлмоқ учун эъзозга лойиқ ишларнинг бошида турмоқ даркор. Эъзозга лойиқ инсонларни қадрламоқ учун ён-веримиздаги нокасу нотавонларни, албатта, назардан ўткармоқ зарур.

...Врач Шукуржон опани кимлардир ўлимга рўпара этди. Шунда у ва унинг яқинлари кўзига кенг ва нурафшон дунё тор ва қоронғу-зимистон бўлди. Наҳотки, бир мўминмуслимани ажалидан олдин Азроилнинг қўлига тутқазиш гуноҳи азим, қолаверса, қотиллик эканлигини англамаган бўлишса? У дастлаб сиҳат истаб борган касалхона шифокорларининг саъй-ҳаракатлари туфайли эмас, тасодифан уни кўриб, ҳол сўргани борган ҳамкасбларининг пировардида кўрсатган ажойиб ғамхўрлиги, меҳр-оқибати, жасорати шарофатидан омон қолди. Омон қолди-ю, бу дунёда кимлар эъзозга, кимлар нафратга сазоворлигини ҳам дилдан чуқур туйди.

...Шукуржон Ҳажиевлар оиласини билмаган-танимаганлар воҳада йўқ ҳисоб, Ҳажи Бекчон номини кўтарган падари-бузруквори умрини эл-юрт хизматига бахшида этган инсон эди. Ўзи туғилиб-ўсган Қоровул қишлоғи, шу ердаги жамоа хўжалигини ижтимоий-иқтисодий равнақ топтиришда у кишининг ташкилотчилик ва мураббийлик фаолиятини эътироф этмаганлар Урганч туманда топилмаса керак.

Яхшидан яхши ном ва албатта яхши фарзандлар қолади. Гулчеҳра уларнинг бири эди. 70-йиллари отаси вафот этгач, унинг ишини маномон дея давом эттиришга бел боғлаб майдонга чиққан ҳам ўзи бўлди. Қиз боши билан механизаторликка ихлос қўйди. Бу юмушни қойиллатиб адо этди. Ва падари сингари эл оғзига тушди. Ўтюрак қиз бригадирлик вазифасида ҳам ўзини кўрсатди. Бир дам трактор жиловини тутса, яна бир дам дала аҳли ёнида бўлиб, ўз бригадасини олға етаклади. Кейинчалик олий муаллимлик маълумотига эга бўлгач, салкам 20 йиллик умрини (вафотига қадар) ана шу шарафли касбга бағишлади. Оддий ўқитувчиликдан мактаб директорлигигача кўтарилди. Курраи заминда юлдузларнинг бирига дўнган Гулчеҳра Яратганнинг иноятя ва хоҳиш-иродасига кўра қирчиллама ёшида бандаликни бажо келтирди. Лекин бу вақтга келиб, оилада ота ўгити-ю, она меҳрини дилига жо этган, аллақачон эл-юрт дуосини олиб улгурган яна бир фарзанд - Шукуржон ҳам камолга етиб келаётганди. У туғишганидан фарқли ўлароқ дала ишида эмас, эл ишида танилди. Гарчи шифокорлик касбини эгалласа-да, ҳаётини қишлоққа, аниқроғи, қишлоқ аҳли хизматига бағишлади. Оддий шифокорликдан жамоа хўжалиги ва туман ижроқўми раисининг ўринбосари, вилоят қишлоқ меҳнат аҳлига атаб қурилган йирик санаторий раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. 30 йилдан мўлроқ вақт мобайнида ҳориб-чарчаш нималигини билмади, ёнибкуйиб ишлади. Ҳордиқ ва оромсиз умр бир томон, минтақани қамраб олган экологик офатлар яна бир томон бўлиб, охир-оқибат аёлнинг соғлигини емирди. Шифокор эса-да, ўзга шифокорларнинг мадад ва ҳимматисиз оёққа туролмайдиган ҳолатга тушди. Аммо минг афсус. Уни нотўғри ва ҳафсаласизлик билан даволашди. Дард устига чипқон, дегандай қалтис ва ноўрин жарроҳлик операциясидан кейин эса ҳаёти қил устида қолса-да, парво қилишмади. Ҳайрият. Дунёда эзгуликни ҳаётишиори, касби, вазифасини бировларга мадад қуроли санаганлар ҳам анчагина. Шулардан бири туман шифохонасининг собиқ бош шифокори Отабой Эшчонов (ҳозир у 1-сон вилоят клиник шифохонаси раҳбари), шифохонанинг ҳозирги бош врачи Қадамбой Шарипов ана шундай оқибатли, ориятли кишилар сирасидан. Улар жони узилай, деб қолган аёлнинг ҳузуридан баҳзилар сингари қўл силтаб чиқишмади. Аксинча, зудлик билан туман шифохонасига ўтказишди. Беморни яхши доридармондан кўра ширин муомала, меҳр-оқибат ришталари кўпроқ ва самаралироқ даволашига Шукуржон опа ва унинг яқинлари бу ерда қайта ишонч ҳосил қилишди. Лекин юкнинг оғирини барибир амалий даволаш усулларини оқилона ва моҳирона қўллай олган оддий шифокорлар кўтаришди. Шукуржон опанинг айтишича, бу ерда ўтказилган такрорий жарроҳлик чораси дастлабки операция маҳали йўл қўйилган қўпол хато оқибатларини деярли бартараф этди. Жарроҳлик муолажасини иқтидорли шифокор Бахтиёр Қуриёзов амалга оширди. Жарроҳлик ўз йўли билан. Ундан чиққан беморни оёққа турғазиш эса - даволовчи шифокор ва ҳамширалар зиммасидаги юмуш. Олий малакали шифокорлардан узлуксиз даволаш ва қайта тиклаш бўлими жарроҳи Шуҳрат Қурбонниёзов, жарроҳлик бўлимидан Полвон Шарипов, Раҳимбой Абдуллаев, ҳаширалар: Татьяна Рўзиматова, Назира Сафарова, Дилбар Абдураҳмонова, Марҳабо Матниёзова бу сермеҳнат ва сермашаққат жараёнда толиқиш нималигини билмай ишлашди, бор маҳоратинигина эмас, меҳр-ардоқ намуналарини ҳам намоён этишди.

Иккинчи жарроҳлик операцияси туфайли биринчисининг оқибатлари бартараф қилинди дедик. Бироқ бу ҳали бемор дарддан бутунлай фориғ бўлди, дегани эмас. Асли муддаога учинчи бор жарроҳлик чорасини ишга солиш натижасидагина эришиш мумкин эди. Хуллас, бу галги операцияга бош шифокор, моҳир жарроҳ Отабой Эшчоновнинг ўзи бел боғлаб киришди. Астойдил интилганга омад ёр. Операция муваффақиятли ўтди.

Шукуржон опа ҳозир уйида - фарзанд ва яқинлари бағрида. Лекин қарйиб бир йилдан буён давом этатган муолажа чоралари ҳали поёнига етганича йўқ. Олдинда яна бир жарроҳлик операцияси турибди. Шукуржон опанинг ўзи ва шифокорларнинг сўзига қараганда, энди буниси хавфли эмас. Ҳамма азоб-уқубатлар ортда қолган. Собиқ бемор эса ўз суюкли касби, меҳнати, қадрдон жамоаси бағрига қайтиш тадоригида.

Инсоннинг ҳаётдан кетиши катта фожиа эмас. Бир кун келасиз, бир кун кетасиз. Лекин кимларнингдир чаласаводлиги, бемеҳрлиги, бағритошлиги оқибатида рўй бергучи ўлим - чинакам фожиа. Ундан Худонинг ўзи асрасин. Инсон умри ўйинчоқмас. Бу авваламбор шифокорларга қараб айтилгучи сўз. Ақалли битта инсонни бевақт келган ажал домидан олиб қолиш наинки эзгулик ва яхшилик, балки жасорат ва қаҳрамонликнинг ўзгинасидир.

Бу дунёда танбаллар бор, аммо саҳоватпешалар чандон ҳисса кўп. Оламни ва одамни асраётганлар ҳам шулар. Номи зикр этилган шифокорлар ҳам улар сафида.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири
Хоразм вилояти

Ҳурмача қилиқ

ТАЪЗИЯГА АЙЛАНГАН ТАНТАНА

Одам боласини қариганда шайтон йўлдан оздирмасин экан.

Кимсан яна олий маълумотли шифокор, бемор дардига малҳам бўладиган инсон ғирт маст ҳолда қанча пайтлар бирга ишлашган ҳамкасб дўстини уриб, ўлдириб қўйса-я! Ўша куни Челакда дув-дув гап тарқалди. Пенсионер врач Ҳусан Солиев ҳамтенги фельдшер Эшқул Исматовни уриб, ўлдириб қўйганмиш.

Фожиа содир бўлган ўтган йилнинг 19 июн куни Челак туман марказий касалхонасининг ходимлари анъанавий касб байрамларини нишонлашга тўпландилар. Шифохона маъмурияти аввалдан ароққа муккасидн кетган, иш пайтида ҳам доимо маст-аласт бўлиб, обрўсини йўқотган, пенсияга ҳам интизомсизлиги учун олдинроқ чиқиб кетган врач Ҳусан Солиевнинг хурмача қилиғини билишса-да, аммо инсонийлик ва ҳурмат юзасидан ушбу тадбирга таклиф этишган эди.

Айрим раҳбарлар бу одамнинг тантанага чақирилишига қарши ҳам чиқишди. Чунки у аралашган давра, албатта, бузиларди. Бу safар ҳам ана шундай бўлди. Шифокор деган шарафли номга қора доғ тушди. Байрам мотамга айланди. Битта бетайин кимсанинг дастидан қанча-қанча одамларнинг ойлаб ички ишлар бўлими олдида олтинга тенг қимматли вақтлари бекор кетди, асаблари қақшади.

Байрамда кекса шифокорлар учун алоҳида стол безатилганди. Иззатини билмаган Ҳусан Солиев эса дарров маст бўлди-қолди. Рўпарасида ўтирган ҳамкасби Эшқул Исматовга стаканни тўлдириб ароқ узатди.

- Бўлди. Энди ортиқ ичолмайман дўстим, - деди Исматов ўз ҳолини билиб.

- Ҳали сен менинг қўлимни қайтарадиган бўлдингми? Ичмайсанми? Мана бўлмаса - ҳамкасбининг бетига ароқни сепиб юборди. Давра совиди. Ёши олтмишга бориб қолган, бироқ ароқ ичгач, эски одатича ҳаммани оёғининг учи билан кўрсатишга одатланган зўравон Ҳусан Солиев Эшқул Исматовга «Ҳали қайтишда сен билан алоҳида ҳисоб-китоб қиламан» деди сўкиниб.

Байрамни жанжалга айлантирган муштумзўр йўл-йўлакай ножўя сўзлар билан кекса дўстини ҳақоратлаб келди. Улар Охунбобоев номли жамоа хўжалигига кетадиган йўл четидаги бетон ариқ ёнига келганларида, Солиевнинг жазаваси янада баттар авжига чиқди ва Исматовни бетон ариққа итариб юборади. Зарб билан бетонга урилган Эшонқул бобонинг орқа мияси қаттиқ лат еди. Ҳушидан кетди. Буниси етмагандек, инсоний қиёфасини йўқотган врач ерда ётган тош билан беҳуш дўстини дуч келган жойига ура кетди. Ана сизга ўн нафар фарзанд, кўплаб невараларга бобо бўлган инсоннинг қилмиши.

Эшқул Исматовнинг ҳам фарзанд ва набиралари бисёр. Ёшларга ибрат бўладиган ёшдаги одамларнинг спиртли ичимлик ичиб юриши ўзи аввало ачинарли ҳол. Оқибатда бир инсон оламдан фожиали кўз юмди. Худо инсоф бермаса қийин экан-да.

Туман суди бағритош Ҳусан Солиевни 12 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

Бу машъум воқеага ҳам ярим йилча бўлиб қолди. Ҳамон давраларда бу ҳақда гап-сўз давом этаётир. Бу кўнгилга титроқ соладиган ҳодиса қайта такрорланмаслигига ким кафолат беради? Ҳозир ҳам туманда турли касб эгалари ўзларининг анъанавий байрамларини гумбирлатиб нишонлашаяпти. Майли нишонлашсин. Лекин бу тантаналарда яшик-яшик ароқларни худди сувдек оқизиш жоизми? Жанжал-тўполоннинг асли уяси - шу захри қотил-ку!

Байрам кунида тўкин дастурхонлар атрофида қадаҳлар тўла оғу-май эмас, пиёлаларда хушбўй кўкчой айланса, ёқимли куй-қўшиқлар янграса, шу яхши эмасми? Сиз бунга нима дейсиз?

Рустам МАРДИЕВ,
Челак туман судининг раиси
Самарқанд вилояти

«НЕВАРАЛАРИМИЗ ҚАРҒАНИ КАКЛИК DEБ ЮРИШМАСИН...»

Наврўз байрами ўтгач, осмонда ёмғирли булутлар пайдо бўлди. Ёмғир томчилари аввалига секин, сўнг тинимсиз уч кун шивалаб, майда-майдалаб ёғди. Сарғая бошлаган яйловдан хавотирда қолган чорвадорнинг юзига қизиллик югурди, дили ёришди. Кеч бўлса ҳам ёмғир ёғди-да! Бу - осмондан юртдошларимга қилинган ризқу насиба эди...

Шундай кунлардан бирида Хўжақўчқор тоғ ўрмонларига бордим. Ўрмонзор бошланишидаги каттакон бир арча тагига кириб, ёмғирнинг ёғишини завқ билан томоша қилардим. Арча тагига разм солдим. Ана гугурт донасидай нимжон арча уруғидан ниш уриб дунёга келган арчалар: битта, иккита, учта... Боламга қарагандай, уларга меҳр билан боқдим. Бармоқларим билан навниҳолларни силаган бўлдим. Негадир афсусландим: «Жимгина шу тупроқ остида ётсанг бўлмасмиди, арчажон! Қарийб икки йил тупроқ тагидан ниш уриш учун она-замин билан курашгансан. Ана кўрасан, яна бир ойдан кейин бу ерларга минглаб чорва моллари ҳайдалади. Қўйни-ку билмадим, аммо эчкиларга ем бўлишинг турган гап...»

Бойсун тоғларида 75 гектар ўрмонзор бор. Уларни асраш 25 нафар қўриқчи зиммасига юкланган. Ҳар бир қўриқчига қарийб 4-5 минг гектар ўрмонзор тўғри келади. Бу жуда кўп, қўриқчилар назорат қилиб улгуришмайди. Бундай шароитдан фойдаланган айрим ёвуз ниятли кишилар эса она табиат яратган гўзалликни кўр-кўрона йўқ қилиш пайида бўлишади. Кейинги пайтларда эса табиатга нисбатан бу хиёнаткорлик илдиз отиб бораётгани сир эмас.

- Баъзан асабийлашаман, - дейди Бойсун ўрмон хўжалиги директори Матлаб Абдураҳмонов, - тоғнинг бирон ҳудудида арча кесилибди, деса тинчим йўқолади. Ярим тун бўлса ҳам ўша ерга етиб бораман. Айбдорларни излайман...

Бу қуюнишларда жон бор. Ўрмон ўғрилари янги услублар ўйлаб топишмоқда. Утган йилнинг охирларида Завбоши, Қайроқ тоғ ҳудудларининг хилват жойларида ҳар бири 4 метр келадиган 22 дона арча кесиб қўйилганини топиб олишди.

Ўрмон хўжалиги муҳандиси Бойназар Норқобилов ва ўрмон беги Нурали Тиллаевларнинг айтишича, 22 дона арчани кимдир кесиб, целофанга яхшилаб ўраб, ерга кўмиб, устига тупроқ тортиб қўйишган экан.

Бойсун жамоа хўжалигининг чўпони Жўра Жумаев 14 та арчани рухсатсиз кесиб, уй қурилиши учун ишлатаётганда қўлга тушди. Омонхона қишлоғилик нафақахўр Жўрақул Ҳайдаров 13 та арчани кесиб, қурилиш учун ишлатаётганда аниқланиб, тегишли жазога тортилди. Аммо қирқилган арчаларни тиклашга йиллар камлик қилади.

Ўтган йили Кентала тоғ ҳудудидан 3 дона арча кесилгани ва ўз вазифасига совуққонлиги учун ўрмон беги Нурмамат Тожиев, Орзуқул Аллаёровлар вазифаларидан четлаштирилди. Ёки шу қишлоқлик ўқитувчи Олим Мўминов 72 дона арчани ноқонуний қирққани учун туман суди томонидан тегишли жазо олди. Булар дарёдан бир томчи. Кўздан пана жойларда яна қанчадан-қанча арчалар йўқ қилинаётгани кўпчиликни ташвишга солаётир. Ўрмон қўриқчилари-ку бор имкониятларини ишга солиб кўришмоқда. Аммо уларнинг кучлари етмаётгани аён. Қачонки табиатни асраш бу ўзимизни асраш билан тенглигини тушуниб етишсаккина, арчаларни авайлашга барча бирдай жон куйдирсагина асл мақсадга етиш мумкин.

Бир вақтлар Санжар, Бешарча, Биловту, Ҳаловат, Урбулоқ, Кетмончопти тоғларида кийиклар сурув-сурув бўлиб юрган. Суғурни айтмайсизми? Урбулоқ, Санжар тоғларида уларнинг 30-40 талаб тўда бўлиб юрган сурувларини ўзим кўрганман. Ҳозир бозорда бор-йўғи бир ош қошиқ суғур мойининг нархи фалон сўм. Суғурларни бу тоғларда кўрмаганимга эса ўн йиллардан ошди.

- Янгидан арчазорлар ташкил этмоқчимиз, - дейди ўрмон директори Матлаб Абдураҳмонов суҳбатни давом эттириб, - шу мақсадда махсус целофан қутичаларга 9 минг дона Зарафшон арча уруғини экдик. Икки йилда униб чиқади. Ниҳолларни сийраклашган ўрмонзор ичига ўтқазамиз. 20 гектарлик наъматакзорлар ташкил қилдик. 35 гектарлик боғ ташкил қилишга киришдик. Аллачапон, Хомкон тоғ ҳудудларимизда 20 гектар теракзорлар барпо қиляпмиз. Ўзимизнинг жайдари терак қаламчаларини қададик. Зўр-да! Танаси оппоқ, тик ўсади...

Қирқилаётган арчаларни кўриб ташвишга тушаман. Хаёлимга эса севимли адибимиз Шукур Холмирзаевнинг яқинда айтган, тайинлаган гапи келади:

- Собиржон, айтинг ҳамюртларга, арчаларни кесишмасин, авайлашсин. Болаларимиз, невараларимиз учун. Ахир, уларнинг ҳам биз ва сиз кезган ўрмонларда ҳаққи бор-ку! Юртни барча гўзалликлари билан асрамоқ керак. Парвардигор Бойсунимизга кўп гўзалликни ато қилган. Қаранг, тоғларнинг жойлашиши ҳам бошқача. Тоғ олдидаги оппоқ чағатларни ёзиш учун изоҳ бериш керак. Эртага невараларимиз қарғани каклик деб юришмасин тағин?!

Собир ЁДИКОВ,
Бойсун,
Сурхондарё вилояти

Ўйиндаги ўт!

МАОШИНИ «ЮВИШДИ», ВАҲШИЙ БЎЛИБ ҚУВИШДИ...

Улар яхши ният билан мамлакатимизнинг улкан қурилиш майдони «Шўртан Кимё» мажмуаси қурилишига ишлагани келишганди. Астойдил меҳнатлари эвазига яхшигина маош ҳам олишаётганди. Кундрадан бирида ҳамшаҳар, ҳамкасблар (улар Бухоро газ саноати трестига қарашли 2-вакиллик 3-участкасидан келган ишчилар) маош олишиб, бешолти улфат бир бўлиб, «маош ювди» қилишди.

Ичкилик ва гурунг қизигандан қизиди. Улар тарқалишаётганда улфатларнинг анча-мунча қулоғи қизиб қолганди. Нима бўлди-ю, Камол билан Ихтиёр ўзаро ғижиллашиб қолди. Гувоҳнинг айтишича, Ихтиёр ҳеч бир сабабсиз Камолни «онангни» деб сўка бошлайди. Камол эса унга бир неча бор бундай сўкмагин, дея зорланади. Ихтиёр сўкишдан тўхтамагач, Камол уни урмоқчи бўлиб ёқалашиб қолади. Руслан эса уларнинг ўртасига тушиб, ажратиб, ўзини бошқаролмай қолган Ихтиёрни етаклаб ётоқхонасига олиб келиб, ётқизиб, ўз ётоғига кетади. Ихтиёр хонасида ёнига бориб уни ҳақоратлай бошлайди. Бунга энди чидай олмаган Камол йиғма қора дастали пичоғини олиб чиқиб, Ихтиёрнинг қорин қисмига уч марта уриб олади. Ихтиёр эса дод-вой ҳам қилмай ётоғига қочиб кириб кетади. Эрталаб ишга кетиш олдидан камол Ихтиёрни кўргани киради. Шунда Ихтиёр «ёрдамингга муҳтож эмасман, бор йўқол» деб чиқариб юборади. Бошқа ўртоқлари ҳам «Нега ишга чиқмаяпсан, касалмисан» деб сўрашганида «Бошим оғрияпти, отравления бўлдим шекилли» деб яширади. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек Ихтиёрни дарди оғирлашгач, воқеа ошкор бўлади. Ихтиёр аввал Қарши шаҳрида, кейин Бухорога бориб даволанади. Барча муолажалар кор қилмай, орадан 22 кун ўтиб вафот этади.

Қарангки, ичкилик туфайли бир йигит ҳаётдан бевақт кўз юмди. Иккинчи йигит эса машъум жинояти туфайли узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қисқаси, икки оиланинг ҳам ошига оғу тушди. Ароқ турли касофатларнинг «онаси» деб бежиз айтилмаган экан.

Олим ТАНГМАТОВ,
Ғузор туман судининг раиси
Қашқадарё вилояти

Мавзуга қайтиб...

«НОПОКЛИКДАН ЖАБР ЧЕКАЯПМАН»

«Инсон ва қонун», 1999 йил 3 август ва 1999 йил 24 август

Муҳтарам ўқувчи! Эсингизда бўлса, газетамизнинг 1999 йил 3 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида «Ростми,, бўхтонми?» рукни билан жиззахлик Дилором Жўраеванинг шаҳар санитария-эпидемиология Маркази бош врачи ва мазкур муассасада йўл қўйилаётган «нопок»лар ҳақидаги хати босилган эди. Рукнимиз савол тарзида қўйилиб, тарафларга очиқ фикр билдириш имконияти берилган эди. Орадан сал ўтмай, таҳририятимиз почтаси бир даста ҳужжат «келтирди». Унда «иккинчи тараф» Дилором Жўраевани нақ бўхтончига чиқариб қўйилган сатрлар битилган эди. Ваъдамизга кўра уларга ҳам саҳифамиздан ўрин бериб, 1999 йил 24 августда «Алининг майдони» рукни остида хатларни эълон қилгандик.

Орадан қарийб 7 ой ўтгач, яқинда Дилором опадан яна бир даста хат олдик. Муаллиф уни босиб чиқаришимизни қайтиб талаб қилибди. Рад этолмадик:

ИШГА ТИКЛАНДИМ

Менинг дастлабки хатимни 1999 йил 3 августда газетангизда босиб чиқарганингиз умидимни учқунлатган эди. Аммо... 24 августда менга қарши ёзилган хатларни босганингиздан сўнг ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим. Кўп жойларга ёздим. Деярли барча ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга қайта-қайта мурожаат қилдим. Ниҳоят... яхши одамлар ёрдамида қонуний ҳуқуқим тикланди. Жиззах шаҳар судининг судьяси Р.Мамарасулов раислигида 2000 йил 21 февралида ишимиз судда кўрилди. Мени ишдан бўшатиш ҳақида санитария-эпидемиология Маркази бош врачи Ф.Шаҳзодаева чиқарган 1999 йил 27 июлдаги буйруқ ноқонуний ва асоссиз эканлиги эътироф этилиб, бекор қилинди ва мен вазифамга тикландим. Мажбуран бекор юрган даврим учун иш ҳақим тўлалигича ундириб бериладиган бўлди.

Менинг номимни қоралаб ёзганларнинг хатлари газетангизда чиққандан бошлаб, халқ орасида юзим шувит бўлди деб ҳисоблаб, номим оқланганлигини билдириш учун ушбу хатимни албатта газетангизда босиб чиқаришингизни сўрайман.

Дилором ЖЎРАЕВА,
Жиззах шаҳри

ТАҲРИРИЯТДАН:

Дилором опа, ишга тикланганингиз ва ҳақиқат қарор топганлиги билан табриклаймиз. Буни самимий қабул қилинг. Энг муҳими, бот-бот саҳифаларимизда такрорлаганимиздек, ҳуқуқий онг ва ҳақни талаб қилиш механизмини яхши билмаслик кўпчиликни, жумладан, Сизни шунча вақт давомида сарсон қилиб, асабингизнинг бузилишига сабабчи бўлди. Чунки аввалбошданоқ Жиззах СЭС раҳбарияти сизни ишдан бўшатганда Сиз турли поғоналарга «у бўлди, бу бўлди, фалон одам бундай иш қилди» деб ёзиб юриш ўрнига, тўппа-тўғри судга «ишга тиклаш ҳақида» ариза берганингизда... келингки, жоиз бўлса, олам гулистон бўларди. Ҳом сут эмган бандалар Сизнинг «юзингизни шувит қилишга»гача бориб етмасди. Биздан ўпкаламанг. Саҳифаларимиз барчага тенг - эркин фикр айтиш майдони. Кўриб турганингиздек. Биз Сизнинг номингиздан судга ариза бераолишга ваколатли эмас эдик. Сиз ниҳоят ёзишмалардан хулоса қилиб, қонуний йўл тутибсиз ва... вазифангизга тикланибсиз. Бу барчамизнинг энг аввало қонун, ҳуқуқ устувор жамиятимизнинг ютуғи.

Дилором опа! Сизга бир маслаҳат, қасдлашманг! «Кўрсатиб қўяман», деган қуролни ёддан чиқаринг. Чунки ҳаёт ва асл ҳолат ҳар кимга баҳосини «ўгит»ларсиз чиқаради. Ақли бор одам учун шуниси етарли. Аксинча бўлса, қолган барча гап бефойда. Бир нарсани қайд этамиз.

Ҳақ учун қатъият билан курашишдан кўпга сабоқ бердингиз, Дилором опа!

Ана, холос!

МУҲАББАТ АСТОЙДИЛ БЎЛСИН

Ҳар бир соҳа, касбда ўзига хос мураккаблик, қийинчиликлар билан бирга бошқаларидан фарқ қиладиган ҳузур-ҳаловат ва айрича гашт ҳам бўлади. Биз газетачилар учун тинимсиз ижодий меҳнат, изланиш, қолаверса, қанчалаб маслакдошлар қалб кўри, кўз нури эвазига дунёга келган нашримиз қўлма-қўл бўлиб ўқилишидан кўра каттароқ завқ, мукофот йўқ. Айниқса, муштарийларимиз биз билан ҳамкорлик қилиш ниятида ўзлари фаолият кўрсатаётган жамоадаги ютуқ ва муаммоларни, ижтимоий ҳаётдаги турли воқеа, ҳодисаларга нисбатан муносабатларини таҳририятимизга йўллашлари ижобий ҳолатдир. Бундай ҳамкор муштарийларимизнинг кўплиги - биз-нинг ютуғимиз.

Сир эмаски, кейинги пайтларда Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани прокурори Фурқат Маҳмудов газетамизнинг фаол муаллифларидан бири сифатида ўқувчиларимизга анча танилиб қолди. Биз у кишининг газетамизга бўлган алоҳида меҳр-муҳаббатларини эътироф этган ҳолда ижтимоий-ҳуқуқий мавзудаги бир қатор мақолаларини зўр мамнуният билан чоп этган эдик. Аммо... Яширишнинг ҳожати йўқ. Орада таҳририятимизга у ёқ, бу ёқдан қўнғироқлар бўлиб, Ф.Маҳмудовнинг сизларда чоп этилган айрим мақолаларини бошқа газеталарда ҳам кўраяпмиз дегувчилар бўлди. Бироқ биз қулоғига - эшитганига лаққа ишонувчи гўл эмасмиз. Аввал кўз билан кўрайлик, ана ундан кейин хулоса қиламиз, дедик. «Кўролмаслар»га ўчма-ўч муаллифнинг иккита мақоласини кўриб чиқиб, нашрга тайёрлаб ҳам қўйдик. Лекин тақдирнинг ғалат ўйинини кўрингки, миш-мишларда жон борга ўхшаб қолди. «Ҳуқуқ» газетасининг 2000 йил 19-25 апрел сонини варақлаб, не кўз билан боқайликки, Ф.Маҳмудовнинг бизга ҳам «садоқат» рамзи сифатида юборилган «Қоғозларда қолиб кетган шартномалар» мақоласи манаман деб турибди! Ҳатто «Инсон ва қонун» деган рукни ҳам ўша. Бу кўнглимизга сал оғир ботди. Ахир, бу мақолани тайёрлашда анча-мунча меҳнат сарфлагандик...

Ҳурматли Ф.Маҳмудов! Ёзганларимизни асло танқид ёки иддао деб тушунманг. Фақат матбуотнинг ҳам ёзилмаган ўз қонун-қоидалари борлигини эслатиб ўтмоқчимиз, яъни бир марказий нашрда эълон қилинган мақола иккинчисида ҳам чоп этилса, ўқувчиларни бироз ранжитади. Қолаверса,ўша матбуот нашрининг обрўйига ҳам путур етиши мумкин. Биз эса сиздан янги, теша тегмаган мавзулардаги «бир нусха»лик мақолалар кутиб қоламиз.

Мулло САЙИЛГОҲИЙ

Қарзини узмай дунёдан ўтган одам, то ўша қарзи узилмагунча қабрида кишанланган ҳолда ётади.

***

Ўзгалар молини ноҳақ ейишга ўч одамлар қиёмат куни дўзахга маҳкумдирлар.

ҲАДИСдан

Бурҳонжон Мирсаидов биринчи маротаба фирибгарлиги учун қамалаётганда суд залидагиларга йиғламсираб «Хато қилдим, кеч бўлди. Энди асло бундай қилмайман» деганди. Бувайда туман судининг 1998 йил 30 март кунидаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисми «а» банди билан уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди.

Амнистия туфайли муддатидан олдин озодликка чиққанда,

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

ёки қайта тарбияланмаган фирибгар ҳақида

давлатимизнинг меҳрибонлигидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган Бурҳонжон яна жиноят содир этди.

Содда, ҳар кимга ишонувчи, ҳатто мутлақо нотанишлар дуч келса ҳам унга «ўлжа» бўларди. Ана шундайлардан бири Олтиариқ тумани Ҳамза шаҳрилик Дилфуза Мамадалиева бўлиб чиқди.

Б.Мирсаидов ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида бу соддагина қиз билан топишади. Дилфузанинг ишончини қозониш учун ўзини «Давлатнинг нуфузли идораси ходимиман, Тошкентда ишлайман, хизмат сафари билан келдим», деб таништиради.

Фирибгар ва лақмаларнинг танишувлари осон кечади. Дилфуза ўз жияни ва холаси билан Марғилон шаҳрига борадиган йўлдаги айрон сотиладиган жойда «Тико» енгил автомашинасидан тушган Бурҳонжонга тўсатдан дуч келади. Гап орасида Марғилон тижорат техникумига жиянини ўқишга киргизмоқчи эканликларини айтганларида, Бурҳонжон дарҳол «Мен ёрдам бераман, техникум директори менга таниш» дейди. Уларни ўз «Тико»сига миндириб, техникумга олиб боради. Ҳатто директор хонасига ҳам улар кўз олдида кириб чиқади. Директор уни кузатиб қўйгани аёлларнинг ишончини оширади.

Устаси фаранг фирибгар 1999 йил 2 сентябр кечаси Дилфузаларнинг уйига келиб «Йўлда бир одамни мошинам билан уриб юбордим, касалхонага ётқиздим. Унинг оиласига ёрдам бериш учун пул зарур бўлиб қолди. Қарз бериб туринглар, икки кун ичида олиб келиб бераман» деб Д.Мамадалиевадан 45 минг сўм пулини алдаб олиб кетади ва... изи ўчади.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек товламачи узоққа боролмади. Қўлга олингач, кўз ёши қила бошлади. Энди унинг сохта кўз ёшларига ишониб бўлмасди.

Олтиариқ туман судининг ҳукми билан фирибгар Бурҳон Мирсаидов айбли деб топилиб, мол-мулки мусодара қилиниб, етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Суратда: Олтиариқ тумани прокуроринг катта ёрдамчиси Анваржон Тешабоев (чапдан) ва туман судининг раиси Тожиддин Ваҳобовлар мазкур фирибгарлик билан боғлиқ ишни ўрганиш жараёнида.

Ганижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ,
журналист ва суратқаш

Фирибгарми? Йўғ-э-э...

ҚЎЛИМИЗ БИЛАН БЕРИБ, ОЁҚ БИЛАН ЮГУРАЯПМИЗ

ёки жиззахлик Ботир Хидирназаровнинг «еб кетар» одати ҳақида

...Мен ён қўшним Ботир Хидирназаровга 1998 йил 27 июлида, теварак-атрофимда гирдикапалак бўлиб зорланишлари таъсирида, нотариал идора орқали расмийлаштириб 703.610 сўм пул қарзга бергандим. Ҳужжатда у қарзни 1998 йил декабрига қайтариш мажбуриятини олган эди. Аммо ҳанузгача Ботирвой пулимни беришни хаёлига келтирмасдан қочиб юрибди. Мен ногирон ҳолимда унинг изидан Ғаллаорол тумани ва шаҳарма-шаҳар юз мартадан ортиқ «қувладим». Кўрса писиб қочади, кўрмай қолса ваъдани «топшириб» қўён бўлади. Жиззах шаҳридаги прокуратура, ички ишлар идоралари, суд, адвокатура, адлия органлари, суд ижрочилари... хуллас, ҳеч бир арз қилиб бормаган маҳкама қолмади. Уларни ҳам Ботир Хидирназаров боплаб алдаб кетаяпти. Бу қандай чорасизлик бўлди, ахир! Яқинда сарсонгарчиликларимга 2 йил бўлади. Наҳотки, бир фирибгар барчани лақиллатиб, мени қон қақшатиб, ўйнаб юраверади? Югураверib, ёзавериб, идорама-идора кираверib, яна шунча зиён кўрдим, соғлигимни йўқотдим, умрим фирибгарни қувлаб зорланиб ўтаяпти.

Бурҳон ТОШПЎЛАТОВ,
Жиззах тумани, Х.Носиров жамоа хўжалиги, II гуруҳ ногирони

«ТУЯ ҚИЛИБ БЕРАМАН» ДЕБ ОЛГАНДИ

Ботир Хидирназаров менга «ҳозир тижорат билан шуғулланиб, гилам савдосидан катта фойда қилаяпман, агар пулингиз бўлса беринг, мен айлантириб фойдаси билан қайтараман» деб лаққа туширди. 1998 йил 14 январ куни бир ой ичида фойдаси - фоизи билан қайтариш шарти билан тилхат ёздириб олиб, унга ишониб 80.000 сўмимни қўлига тутқазиб-ман. Ой тугул йиллар ўтаяптики, Ботир «чаққон» ҳатто думини тутқазмаяпти. Кўрганда ваъда билан тўйдиради, кўрмаганда мен аламда, у шод... Жиззахдаги ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралардан ёрдам сўрайвериб, қонуний чора кўришларини талаб қилиб қатнайвериб, хуноб ошиб юрибман. Ҳеч бундан натижа чиқмаяпти, чора ҳам кўриша олмаяпти.

Самариддин ТОШПЎЛАТОВ,
Жиззах тумани, Х.Носиров жамоа хўжалиги

БОТИР ТУШМАГУР АЛДАБ КЕТДИ

Мактаб ўқитувчисиман. Хотиним ва 3 нафар фарзандларим билан бир хоналик уйда сиқилиб яшаймиз. Топиш-тутишимиз «ҳаминқадар». Орттирган мулкимиз ҳам, ошиқча пулимиз ҳам йўқ. Шу аҳволимизни кўра-била туриб, Ботир Хидирназаров деган қўшни бўлиб яшаган инсон 1997 йил 30 декабрида 3 кун ичида қайтариб бериш шарти билан росмана тилхат ёзиб бериб, 200.000 сўм - бор-будимизни олган эди. Мана учинчи йил кетаяпти, аммо... ўз қўлим билан пулимни бериб, оёғимни сарсонгарчиликка гирифтор қилдим. У пулимни ҳазм қилиб юбориб, Ғаллаорол тумани «Зарбулоқ» ширкат хўжалиги «Кашшоф» қишлоғида - ота юртида, бошқа вақтларда шаҳарма-шаҳар қочиб-писиб юрибди. Ботир фирибгарнинг изидан қатнайвериб, вилоятимиздаги маъмурий идоралар эшигига қатнайвериб ҳолдан тойдим.

Қосим ЮСУПОВ,
Жиззах шаҳри, Х.Носиров кўчаси

ТАҲРИРИЯТДАН:

Хатларни ўқиб, улар илова қилган ҳужжатларни кўздан кечириб ўйга толасан, ўзингни бу жабрланувчиларнинг ўрнига қўйиб кўрасану асаб торларинг таранглашади. Ахир, биз инсон омили, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари қаттиқ ҳимоя қилинадиган юртда яшаяпмиз-ку! Нега бири нуроний, ногирон, бошқаси оддий ўқитувчи, ишчи-хизматчи бир товламачи-фирибгарнинг тузоғига илиниб, хуноб бўлиб, зир югуриб юриши керак? Нега орамизда Ботирга ўхшаган фирибгарлар бировларни чув тушириш ҳисобидан тараллабедод қилиб яшашга, инсон ва унинг мулки тўла ҳимояга олинганлиги ҳақидаги қонунларимизни беписандлик билан бузишига йўл қўйиб ўтиришимиз керак? Ахир, баъзи ҳолатларни эътиборга олинса, фирибгарчилик, алдов , ишончга кириш ва шахслар манфаатига муҳим зарар етказиш ҳолатлари яққол кўриниб турибди-ку!

Қолаверса, Ботир Хидирназаровнинг ўзи, унинг тақдирига бефарқ бўлмаган шахслар ҳам билиб қўйишлари керак: қарз - қиёматгача. Уни эртами-кечми, барибир тўлайсиз. Тўлаганда ҳам қонунларимизда белгиланганидек, йил сайин, кун сайин инфляцияни ҳисобга олган ҳолда қайтарасиз. Ўтган давр ичида одамларни сарсон қилганингизда улар кўрган моддий зарарни, ариза ёзишу идорама-идора юрганларидаги харажатларни ҳам тўлайсиз. Улар устига одамларга чектирган маънавий зарар ҳам қўшилади. Бу сумма ҳам оз бўлмайди. Шу боисдан вақтида «этагингизни йиғиштириб олиш»ни маслаҳат берамиз. Ахир, сиз кенг кўламли тижорат билан шуғулланар экансиз. Гилам савдосини йўлга қўйибсиз. Демак, қўлингизда рухсатнома-лицензия бўлса керак. Ундан ҳам ажралиб қолишингиз мумкин. Уйингиз бор экан. Ҳовли ҳам қураётган экансиз. Машинангиз ҳам бор, чамаси, болалар ўстираётибсиз.

Аччиқ бўлса-да, билиб қўйинг: газета орқали номингизни оммага ошкор қилишимиз ҳам, ўзига хос жазо - сазойимиздир.

ҚАРШИ

Қаллобликка
Олғирликка
Ноинсофликка
Уятсизликка
Нобакорликка

Товламачиликка
Имонсизликка
Ғаразликка
Ифлосликка

Лабсизлик
Алдов
Каллоблик
Қарзлар
Инсофсизлик

Қачонгача одамларни лақиллатади?

"ЖИЯНИМГА ЎҒЛИМ ДЕБ ПУЛ БЕРГАНДИМ, ЕБ КЕТДИ"

Мен узоқ йиллар мобайнида Жиззах вилоятининг Дўстлик шаҳрида ўқитувчилик қилдим, «Меҳнат фахрийси» медалига, Халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлдим. Ҳозир пенсиядаман. Ёлғиз аёлман. Шу боисдан ўз жиянларим - Боймусаевларни тарбиялаб ўстирганман. Улардан бири - 1965 йилда туғилган Муртазо Боймусаев Олмалиқ шаҳрида яшарди. У мени «қариганингизда қарамоғимда бўласиз, ўзим боқаман» деб, Қозоғистон ҳудудидаги шахсий уйимни соттириб, пулини мендан олиб, ўзига ишлатди. Бундан ташқари 1995 йилгача бир неча марта жами бўлиб 15 минг сўмдан ортиқ пул қарзга сўраб олди.

Мен Муртазога ўғлимдек муносабатда бўлиб, сўраганини аямадим. Охири келиб эса у мени рад қилди, олган пулларини ҳам тан олмади. Қариганимда ёлғиз-қаровсиз, маблағсиз, моддий қийналиб кун кўраяпман.

Аламли тарафи шундаки, сўнгги пулларимни харжлаб, Дўстлик шаҳридан Олмалиққа Муртазонинг ҳузурига 1997 йилдан буён 24 марта қатнабман. Пулимни қайтариш нари турсин, ўгирилиб ҳам қарамади.

Ниҳоят ўғлим деб пул берганим Муртазодан олган пулларни ундириш ҳақида 1999 йил 15 сентябрида Олмалиқ судига ариза бердим. Бу расмиятчилик ва югур-югурлар ҳам бехарж кечмаслигини биласиз. Суд ҳам мени ҳайрон қолдирди. Ишни кўриб, 70 минг сўм ундирилади, деб эълон қилди. Орадан икки ойча вақт ўтгач эса суд қарорида бу сумма 15 мингга тушиб қолибди. 1992 йилдан буён мени алдаб, пулларимни еб кетган «жиян-ўғил»дан мен камида бугунга кундаги суммада 300 минг сўмдан кам бўлмаган зиён кўрдим. Аммо 15 минг... шуни ҳам ололмаяпман.

Суднинг қарори устидан ёзмаган поғонам қолмади. Натижа йўқ. Лабсиз, ноинсофларни бундай йўл билан тартибга чақириб бўладими?

Қурбонгул ОРИПОВА,
Жиззах вилояти Дўстлик шаҳри

ТАҲРИРИЯТДАН:

Қурбонгул опа! Хатингиздан кўриниб турибдики, Муртазо жиянингиз - «ўғлингиз» ҳеч бир қолинга сиғмайдиган, ноинсофлик йўлини тутибди. Диёнат, оқибат деган қадриятларимизни анча четлаб ўтаётганлар тоифасидан, чамаси. Суднинг қарори хусусида эса ҳакамлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Бу ҳақда фақат юқори турган судларгина ўз сўзини айта олади. Бизга эса бир нарса маълум: «Қарз - қаримайди». Шу боисдан «қарз -қиёматгача» дейишади. Қизиқ, Муртазо бу ҳақда нима деркан?!

Алҳазар!

"БУКРИНИ ГЎР ТУЗАТСИН..."

- ... қизим деманг мени, сиз менинг отам эмассиз, менинг сиздек отам йўқ... йўқ, йўқ!

Унинг кўзларидан нафрат ёшлари шашқатор оқарди. Қалин қора сочлари юзини, кўзларини бекитиб қўяр, дам-бадам чап қўли билан сочларини юз-кўзларидан оқаётган ёшни пешма-пеш артиб олар эди. Шу тобда унинг хаёлидан нелар кечмоқда экан. Нега бошқаларнинг отаси ўз фарзандларини - оқу қорасини, нури-дийдасини кўз қорачиғидек авайлаб-асрайди. Уларни улғайтириб, орзу-ҳавасини кўради, ўқитади, ювиб-тарайди.

Бу-чи, бу?!

Нигора кўз қири билан ер остидан қаршисида ўтирган, соч-соқоллари ўсиб кетган ва «ота» деб аталган «махлуққа» қаради. «Махлуқ» эса қилган ишларидан пушаймон бўлиб, виждон азобида куйиб кул бўлиш ўрнига «Мен тан олмайман, ҳеч нарса бўлгани йўқ» деб бақрайиб ўтирса-я. Оиланинг шаъни, ғурури, иффатини сақлаб, унинг обрўсига путур етказмаслик ўрнига у бутун оиланинг юзини ерга қаратди, шарманда қилди.

Одатда инсоннинг энг ёмон хислатларини ифода этмоқчи бўлсак, уни «ҳайвон» деб қойиймиз. Шу меъёрни ҳақиқатан ҳам расво, бузуқ, шарму ҳаёни йўқотиб қўйган, инсонийлик фазилатлари ёт бўлган кишиларга нисбатан ишлатмоқчи бўлсак, менинг назаримда бу хато бўлар эди.

Ҳайвонга биологик тур деб қаралса, у табиатан берилган жамики тартиб-интизомга риоя қилади ва ўзининг ҳайвонийлик функциясини аъло даражада бажаради. У ейди, ичади ва табиий қўпаяди, табиий мувозанатни сақлаб туради. Ҳар қайси ҳайвон ҳам табиий қўшилиш жараёнида бу мувозанатни бузмайди. Одатда баъзи подаларга энг кучли эркак ҳайвон ҳукмронлик қилади ва шуниси аёнки, вояга етмаган урғочи ҳайвон билан ҳеч қачон қўшилмайди. Бу ҳайвоний хислатдир. Агар шу ҳайвоний хислатни айрим кишиларга тадбиқ этсак, у ҳолда биз янглишамиз. Шундай инсонлар борки, уни ҳеч қачон, ҳаттоки, энг ярамас деб билган ҳайвонга ҳам тенглаштира олмаймиз. Биз айтмоқчи бўлган кимсаларни таърифлашга ҳеч қандай разиллик ўлчови тўғри келмайди чоғи. Бу «маҳлуқ» ўзининг ҳали вояга етмаган қизи билан...

Бегуноҳ ҳайвонни бундай малъунга тенглаштириб асло уни ҳақорат қилмайлик. Алҳол бундай разилликни ҳеч қайси ҳайвон қилмайди.

Бу воқеа Бўстонлиқ тумани қишлоқларидан бирида содир бўлди. 1994 йилнинг кузида Ҳайитвой беш йиллик қамоқ жазосини ўтаб келади. У тавбасига таяниб келмаган шекилли, кела солиб яна жиноят йўлига кира бошлади. Айш-ишрат қилар, уй-рўзғор ишларига қарамас эди. Фарзандларига зуғум қилар, уларни урибсўкар, ҳовлидан ҳайдаб чиқарар эди.

1989 йилда у қўшнисига оғир тан жароҳати етказиб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Шу йилларда унинг умр йўлдоши олти нафар болаларини зор қақшатиб ташлаб, бошқа кишига турмушга чиқиб кетди. Энг каттаси ўн ёшда бўлган болалар кўчада қолади. Уларни қишлоқдаги қариндош-уруғлари бўлиб олишади ва тарбиялашади.

Ҳайитвой озодликка чиқади. У «ўша жойда» Элмира исмли аёл билан танишиб, олдинроқ уйига юборган эди, бир неча вақт бирга яшайди. Кўп ўтмай доимо калтакланаверган аёл қочиб кетади. Ҳайитвой яна бошқа аёлларни бошлаб келади, бироқ улар ҳам бирикки ойдан сўнг у билан бирга яшай олишмайди. Ҳайитвой ичиб олиб, уларни урар, хўрлар эди.

Инсоний қиёфасини йўқотган Ҳайитвой ўн уч ёшли қизи Н.ни 1995 йил май ойининг бир кунида қўрқитиб, уриб, ўз мақсадига етди. Қиз бу воқеани ҳеч кимга айта олмади. У отанинг зулмидан қўрқар эди. Шу зайлда орадан беш йиллар ўтди. Уни турмушга узатишди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, дейишади. Бу воқеа ҳам ҳамқишлоқлар ўртасида миш-мишга айланади.

Букрини гўр тузатади деганларидек, ота қизини 1999 йил июл ойининг охирларида қудаси, куёви ва қўшнилариниг қаршиликларига қарамай, мажбурлаб уйига олиб кетади.

Эртасига Ҳайитвой бозордан ширакайф бўлиб қайтади ва илгаридек уйдагиларни қувиб ҳайдайди. Н.ни уриб-суриб, ичкари уйга судрайди. Шу топда катта ўғил уйга кириб келади ва бўлаётган воқеани кўриб, донг қотади. Ота қўлига белкурак олиб, унга тажовуз қилади ва ҳовлидан қувиб чиқаради. Отанинг қаттиқ уйқуга кетганидан фойдаланган Н. холасининг уйига қочиб бориб, бўлган воқеани уларга айтиб беради. Нафратланган холанинг ўғли эса Н.нинг акаси билан «ота»ни ахтариб кетишади. «Ота» уларни кўриб тўқайга қочади. Улар таъқиб қилишади. «Ота» эса қутулиб қолиш ниятида қочиб кета туриб тошга йиқилади ва қўлга тушади.

Фарзандларнинг ҳаммаси бундай отадан нафратланиб, уни ҳуқуқ идорасига топширадилар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 118-моддаси 4-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, Ҳайитвой одил судлов ҳукми билан 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Расулжон ЖЎРАЕВ,
Бўстонлиқ тумани прокурори,
I даражали ҳуқуқшунос

КЎЗ ЁШИГА ИШОНИБМАН...

Наманган шаҳрилик танишим Нуриддин Абдуллаев 1998 йил 27 октябрида уйимга жияни Ҳошимжон билан бирга келди. Россияга тахта олиб келиш учун кетаяпман, йўл харжига ёрдам беринг, 10-15 кун ичида қайтариб бераман, деб ўз муаммоларини рўкач қилиб, кўз ёши қилишгача бориб етиб, мендан қарзга бор-йўғимни — 1 миллион 150 минг сўм пулимни олди. Унга ишондим, раҳмим келди, йўқ деёлмадим. Мана бу ҳужжатни туздик:

Наманган шаҳар
«Сифатли меҳнат»
Кичик корхонаси
27 октябр 1998 йил
(расмий тамғали ҳужжат)

ТИЛХАТ

Мен, Абдуллаев Нуритдин Ғиёсов Турсунбойдан 1.150.000 сўм Россиядан тахта олиб келиш йўл кираси учун қарзга олдим, тахталарни келтиргач, биринчи галда ҳисоблашаман, акс ҳолда номимдаги барча мулкимни сотиб тўлайман.

Имзо Н.Абдуллаев

Гувоҳлар: имзо Юсупов
имзо Ҳ.Абдуллаев
(паспорт маълумотлари, манзиллар)

Сал ўтмай қарздор Н.Абдуллаев тахталарни олиб келди, сотди, пул ҳам ғамлади. Аммо... менинг қарзимни қайтармасдан алдаб, қочиб юрибди. Бугунга қадар ногирон ҳолимда Тошкентдан Наманганга қатнайман, тополмайман, топсам, кўз ёши ва қуруқ ваъдани олиб қайтаман. Судга берай десам, 500.000 сўм бож тўлашим керак экан. Менда эса пул йўқ. Тергов идораларига, хусусан, Наманган шаҳар прокуратурасига бир неча марта ариза бердим. Натижа чиқмаяпти. Эшитишимча, Нуриддин Абдуллаев мендан бошқа яна кўп одамлардан қарзга пул олиб, «қўённи қувлаб» қолган экан. Орадан йиллар ўтаяпти. Нима қилишимни билмасдан, бошим қотди.

Турсунбой ҒИЁСОВ,
Тошкент шаҳри, Себзор кўчаси

ТАҲРИРИЯТДАН:

Кўрдингизми, Наманганда ана шундай Нуриддин Абдуллаев деган «тадбиркор» бор экан-да. «Олди-берди» муомалангизнинг, харакатингизнинг қонуний тарафини кейинроқ шарҳлаймиз. Бир нарса изоҳ талаб қилмайди. Бу - лабз ишига хиёнат. Наҳотки бировнинг мулки - пулини кўз ёши тўкиб бўлса-да олиб, жиғилдонга уриб юбориб, тунлари тинчгина оёқ узатиб ухлаяпсиз, Нуриддинбой? Тўғри, сиртдан қараганда сиз расмий тилхат бериб, қарз олгансизу аммо вақтида қайтаролмагандек кўринасиз. Аммо бу расмиятчилик фирибгарликни яширолмайди. Бу бир усул эканлигини, мулкингиз ва маблағингиз, фирмангиз бўла туриб, қарзни қайтариш мажбуриятини бажармаётганлигингизнинг ўзи буни далиллашлигини тегишли идорадагилар яхши билишади. А, лаббай!

Саҳифа сўнгида:

Сиз юқорида ўқиганингиз каби қарз бериб, қайтариб ололмаётгану аниқроғи, фирибгарлик домига учраганларнинг хатлари таҳририятимиз почтасида анчагина тўпланиб қолган. Улар оқими тўхтамаяпти. Назаримизда бундай хурмача қилиқли товламачилик анча томир отган кўринади. Демак, муаммо жамоатчиликнинг, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг, ҳуқуқ мутахассисларининг, қонуншуносларимизнинг эътиборини тортадиган вазият юзага келган.

Шу боисдан таҳририятимиз мавзуни мунтазам давом эттиришга, товламачи ва фирибгарларни, қарз ниқоби остида лабзини йўқотганларни ошкор этиб боришга, улар юзидаги пардани йиртиб, ҳақиқий башараларини фош этиб боришга бел боғлади.

Мавзудан мақсад ҳам бир саволга ечим топиш:

Нима қилмоқ керак? Қандай ҳуқуқий йўл, дастак ва чора лозим? Ўзганинг мулкини «туя қилиб» юрадиганларни жиловлай оламизми?

Газетамизнинг келгуси сонларида хоразмлик тадбиркор - миршабнинг ўнлаб одамларни чув туширгани, сурхондарёлик Тошкент Жаҳон тиллари университети талабасининг фирибгарлиги, наманганлик товламачининг кирдикорлари хусусида мақолалар ўқийсиз.

БЎСТОНЛИҚ ТОҒЛАРИ...

Анжуман

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

(Боши 1-бетда)

Қадрли битирувчилар! Мустақил хизмат ўташ жараёнида сизларни ҳали олдинда жиддий синовлар кутмоқда. Бунёдкор халқимизнинг барча саъй-ҳаракатлари, машаққатли меҳнати эвазига барпо этилаётган моддий ва маънавий бойликларимизни, давлатимиз равнақи учун барча омилларни, энг муҳими, фуқароларимиз ҳаётини, қадр-қимматини, ҳуқуқларини, мол-мулкини ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифаларга виждонан ёндашиш хизмат фаолиятингизнинг мазмуни бўлиши керак. Бу ўз навбатида сизлардан катта куч, ғайрат-шижоат, олган назарий билимлар ва амалий кўникмаларингизни унумли қўллаган ҳолда топшириқларни сидқидилдан бажаришингизни талаб қилади. Мамлакатимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, халқ хўжалигида илғор технологияларга асосланган кўплаб корхона ва иншоотлар барпо этилиши эгаллаган мутахассислигингиз бўйича доимий равишда малака ва маҳоратингизни узлуксиз ошириб боришингизни тақозо этади.

Республика ички ишлар идоралари ва тизимларининг қайси бўлинмасида фаолият кўрсатишингиздан қатъий назар, эгаллангган маррада тўхтаб қолманг! Касбий маҳоратингизни, билимларингизни ва малакаларингизни мунтазам равишда такомиллаштиринг! Ҳамкасбларингиз яратган илғор, амалий иш тажрибаларини ўрганиб, хизмат жараёнида уларга суянган ҳолда иш юритинг.

Сизларни Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, Ички ишлар вазири, милиция генерал-полковниги Зокиржон Алматов номидан ҳамда барча шахсий таркиб ва шахсан ўз номимдан Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактабини муваффақиятли тамомлаганингиз ҳамда биринчи махсус зобитлик унвони берилиши муносабати билан самимий табриклайман. Мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин. Оқ йўл сизга, қадрли битирувчилар!..

Шундан сўнг Ш.М.Мавлонов аъло баҳоларга ўқиб, имтиёзли - қизил дипломга сазовор бўлган 6 нафар битирувчига шахсан диплом топширди. Кейин Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, фахрийлар ва Олий техник мактаби мураббийлари бошқа битирувчиларга ҳам диплом топширдилар.

Маросимда сўзга чиққан Ички ишлар вазирлиги Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғофиржон Раҳимов фахрийлар номидан гапириб, ёшларни кекса авлод каби юрт фаровонлиги, Ватан ободлиги, халқимиз осойишталиги йўлида мардлик ва шижоат кўрсатиб ишлашга, билим даргоҳида олган барча илм ва амалий кўникмаларни ҳаётга оғишмай татбиқ этишга, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга даъват қилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, уруш ва меҳнат фахрийси Абдумуталлиб ота Абдуллаев набирасининг Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари қўлидан ёш мутахассис сифатида диплом олгани, катта ишонч билан унга мустақил ҳаётга йўлланма берилганидан тўлқинланиб бораётганлигини яширмади. Отахон набирасининг Олий техник мактабни тамомлаб, зобитлик унвонини олишда ўзларининг тажрибаларини, билимларини, қоларверса, оталарча меҳрини аямаган ўқитувчи-командирларга, илм даргоҳи маъмуриятига, Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Жумабой Нуржонов, Қамаши шаҳар болалар уйи директори Валентина Георгевна Баҳодирова тантанали маросимга йиғилган ота-оналар номидан, шоира Зулфия Мўминова эса барча ижодкорлар номидан битирувчиларни қизғин қутладилар ва ёшларни ўқитишда ўз билим ва тажрибаларини аямаган ички хизмат полковниклари Атҳам Хўжаев, Мирасқар Маҳмудов, ички хизмат подполковниги Борис Рогов сингари фидойи ўқитувчиларга, мактаб раҳбариятига, профессор-ўқитувчиларига, бошлиқлар таркибига ва бутун жамоага ички ишлар идоралари ёнғиндан сақлаш хизмати тизимларига юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётганликлари учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Олий техник мактабини битирган кечаги курсантлар бугун тайёр мутахассис. Битирувчилар бугун қўлларига мутахассислик дипломларини олиб, амалий идораларда ишлаётган кадрлар сафларини тўлдириш учун жўнаб кетадилар.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Эътиборлиси шундаки, мамлакатда содир бўлаётган ёнғинларнинг сони ўтган йилги таҳлилга кўра 1999 йилда 1998 йилгига нисбатан 5,2 фоиз кам бўлган, ёнғин пайтида одамларнинг ҳалок бўлиши эса кескин камайди. Бу кўрсаткич МДҲ давлатлари ўртасида энг юқори кўрсаткичдир. Албатта, бундай ютуқда яқин 4-5 йил ичида олий техник мактабни битириб, амалиётга борган ёш мутахассисларнинг, шу мутахассисларни етиштириб берган мактаб жамоасининг муносиб ҳиссалари борлигини алоҳида таъкидлашжоиз.

Шу ўринда Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактабининг республикамиз олий таълим муассасалари орасидаги нуфузи, обрў-эътибори йил сайин ортиб бораётганлиги қувончлидир. Бунда мактаб раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва бошлиқлар таркиби, қолаверса, ички ишлар идоралари тизимларида муносиб хизмат ўтаётган ёш мутахассисларнинг алоҳида ўрни бор.

Ўтган йилнинг ўзида республикамиз ҳудудларида содир бўлган ёнғин оқибатида бир неча юз минг сўмлик моддий зарар кўрилган, мингдан ортиқ киши жароҳат олган. Энг ачинарлиси эса 100 дан ортиқ фуқаро ҳалок бўлган.

2000 йилда бундай мудҳиш ҳодисаларнинг такрорланмаслиги кўп жиҳатдан янги кучларга — битирувчиларга, уларнинг фидойи меҳнатлари, малакали саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқ бўлади. Кейинги 5 йил давомида Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактабини тамомлаган, замонавий техника ва технология сирларини эгаллаган ёш мутахассислар республика ички ишлар идораларининг ёнғиндан сақлаш хизматлари тизимларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Халқимизда сув балосидан, ўт балосидан ва туҳмат балосидан асрасин, ҳамиша тўй бўлсин, деган сермаъно нақл бор. Дарҳақиқат, шу куни тўй тўйга уланиб кетди. Ота-онасидан эрта жудо бўлиб, Қамаши болалар уйида ўсиб, тарбияланган Геннадий Купцов Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактабини яхши баҳолар ва яхши хулқ билан тугатди. Уни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Республика Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактаби раҳбарияти ташаббуси билан Сирғали туман марказидаги «Бахт уйи»да Геннадий Купцов билан Руниза Носикованинг никоҳ тўйи ўтказилди...

Бу ажойиб кун, ўйин-кулги, устозлар билдирган тилагу фахрийлар берган фотиҳа келинкуёвнинг ва ҳамма-ҳамманинг ёдида ўчмас хотира бўлиб қолади.

Оқ йўл сизга битирувчилар, оқ йўл сизга икки оташ қалб!

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
«Инсон ва қонун» махсус мухбири

ЯНГИ «БАХТ УЙИ»



Шундан сўнг оқсоқоллар «Бахт уйи»га кираверишдаги лентани қиркиб, келин-куёвларга оқ фотиҳа бердилар. Шу куни Икромжон - Дилдорахон, Вячеслав - Диана, Наврўзжон - Нигорахон, Отабекжон - Матлубахон, Эркинжон - Насимахон, Аман - Хансулу каби ёшларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Унга вилоятнинг барча туманларидан меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Жиззах шаҳридаги «Истиқлол» мажмуи ёшлар билан гавжум бўлди. Бутун майдон узра мусиқа садолари янгради. Чунки бу ерда янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган «Бахт уйи»нинг очилиш маросими олти жуфт келин-куёвларнинг никоҳ тўйларига уланиб кетди.

«Бахт уйи»нинг очилиши ҳамда келин-куёвларнинг никоҳ тантаналарига бағишланган митингни Жиззах шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Сарвар Худоёров очди. Митингда вилоят ҳокимининг муовини О.Жавлонов, вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи Ҳ.Йўлдошев, шоира Ш.Ботировалар сўзга чиқдилар.

Мазкур «Бахт уйи» Соғлом авлод йилида турмуш қураётган келин-куёвлар учун муносиб туҳфа бўлди. «Бахт уйи» қошида ёшлар никоҳни қайд қилдириш билан биргаликда турли маиший хизмат турларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Янги «Бахт уйи» қошида «Оила дорилфунуни» ҳам ташкил қилинган бўлиб, у бўлажак келин-куёвларни тиббий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимлар билан қуроллантиради. «Оила маслаҳатхонаси»да эса ёшлар никоҳ шартномаси, никоҳ қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш тўғрисидаги ҳуқуқий тушунчаларга эга бўладилар.

Шунингдек, бу ерда вилоятнинг барча туманлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг ҳужжатлари сақланадиган замонавий архив ҳам иш бошлади. Эндиликда фақат ёш келинкуёвларгина эмас, балки узоқ вақт биргаликда турмуш қуришган отахон ва онахонларимиз ҳам ўзларига керакли маълумотларни шу жойдан олишлари мумкин.

М.ЖАЛИЛОВА

Дил изҳори

ЭЛ БАХТИГА ОМОН БЎЛИНГ

Мен шу йил оғир хасталик билан Ибн Сино номидаги 1-шаҳар шифохонасининг урология бўлимида даволандим. Аденома ташҳиси билан шу ерга йўлланма беришган эди. Бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Асилбек Ғайбуллаев, тиббиёт фанлари номзоди Абдуваҳоб Дадабоев, шифокор Қаҳрамон Бекназаровлар ҳамкорликда мураккаб жарроҳлик операциясини амалга оширишди. Мен бу кўли гул шифокорларга чин дилдан миннатдорчилигимни билдираман. Жарроҳликдан кейинги муолажаларни тиббиёт фанлари номзоди Саидаҳрор Қориев ва шифокор Баҳодир Раҳматуллаевлар олиб боришди. Уларнинг беморларга яхши муомалада бўлишлари, ўз вазифаларини, масъулият ва юксак маҳорат билан бажаришлари мени жуда қувонтирди ва тезроқ соғайиб чиқишимга сабаб бўлди. Жарроҳлик амали икки босқичда ўтказилган бўлса ҳам мен ҳеч бир қаттиқ оғриқ сезмадим. Юртимизнинг барча вилоятларидан, қўшни давлатлардан келган беморлар бу ерда яхши даволаниб, шифо топиб кетаётганлигига гувоҳ бўлдим.

Маълум бўлишича, кўпчилик, айниқса, мен тенги қариялар аденомани бедаво хасталик деб ўйлашар экан. Шу боис улар иккинчи босқич жарроҳлик муолажасига юраклари дов бермай, қийналиб юришаркан.

Мен бу фикр тамоман нотўғри эканлигига амин бўлдим. Бу маскандаги уста шифокорлар ҳар куни бир неча ана шундай оғир дардга чалинган кишиларни яхши даволаб, уларнинг ҳурмати, меҳрини қозонишмоқда. Мен ҳам уларга кўпдан-кўп раҳматлар айтиб, ҳақларига дуо қиламан: илоҳи, қўлингиз дард кўрмасин, азиз шифокорлар. Эл бахтига омон бўлинг. Яратганнинг ўзи қўлласин Сизни...

Нодирхон АҲМЕДОВ,
Юнусобод тумани, «Иттифоқ» маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси, истеъфодаги милиция майори

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир

ТЎЙДАН КЕЙИНГИ ТОМОША

Оддий оқшомларнинг бирида икки ўртоқ - Ботир билан Шуҳрат қўшни Андак маҳалласига дўстининг никоҳ тўйига боришди. Куёвжўралар хуморидан чиқиб роса отамлашишди, қадаҳ сўзлари қайта-қайта айтилди.

Тўйхонадан ширакайф чиққан Ботир «Техника ривож топган ҳозирги пайтда ҳам пиёда юрамизми, биронта машина тўхтатайлик» деб қолди. Таклиф ичкиликдан кўзлари сузилиб, оёғидан дармони кетиб турган Шуҳратга ҳам ёқиб тушди. Йўлда «Дамас» автоуловини тўхтатишди. Ботир автоулов эгаси Амин Сатторовга Сўфиён маҳалласига элтиб қўйишни сўради. «Вақт зиқ. Сўфиён томонга ўтмайман» жавобини эшитгач, Ботирнинг нафсонияти қўзғалди. Беш-олти метр нарига чақириб, айбсиз рул бошқарувчини дўппослашга тушди. Йиқитиб тепкилади. Автоулов салонида ўтирган А.Сатторовнинг ўртоқлари - Илҳом Бозоров билан Бахтиёр Ҳамдамовлар пастга тушишган эди, ғазабдан кучга тўлган Шуҳратларга ташланди. Ичкиликдан шер бўлган икки безори ўзларининг таъбири билан айтганда, А.Сатторов, И.Бозоров, Б.Ҳамдамовларнинг «ҳақи»ни бериб қўйишди. Тан жароҳати етказишди. Яхшиямки, воқеадан тўйхонадагилар хабар топиб, ажратиб қўйишди. Акс ҳолда...

Ургут туман суди А.Ҳусенов раислигида ўтган очиқ суд мажлисида зўравонларнинг андишасиз, беадаб қилиғига баҳо берилди. Йигирма икки ёшли Б.Аҳатов ва Ш.Султоновлар йигитликнинг гўзал, бир неча йилини темир панжара ортидан кузатадиган бўлишди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, мархумлар хотирасига бағишланган маърака-маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонига амал қилинганда эди, - дейди туман суди раиси А.Ҳусенов, - тўйдан сўнг бундай томошага ҳожат қолмасди.

А.ХУДОЙБЕРДИЕВ

Рассом ҳандаси



-Яхши, яхши, шундай ушлаб туравер!

ШИША ИЧИДАГИ ҚОРА ЧАЁН

Отаётган тонғни ҳар ким ҳар хил қаршилайди. Кимдир вақтли уйғониб, Яратганга шукроналар айтади. Кимдир эса... Афсуски, ҳамма ҳам ризқ улашувчи фаришталарини очиқ эшик, очиқ чеҳра билан қарши ололмайди. Очиғи, ҳар ким экканини ўраркан. Бунга ўтган йилнинг 14 ноябр куни Ғиждувон шаҳрида юз берган мудҳиш воқеани мисол тариқасида келтириш мумкин.

Туманнинг Зарафшон жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро Рауф Раҳимов содир этган жиноятлари учун озмасқўпмас саккиз йил озодликдан маҳрум этилди. Сабаби... Р.Раҳимов кейинги пайтларда фарзанди Фаёз билан негадир келишмай қолди. Ота-ўғилнинг орасидан ўтган ола мушук ўғилни салом беришдан, отани алик олишдан маҳрум этганди.

Фаёз иш излаб юриб, Ғиждувон шаҳридаги Тошкент кўчаси, 3-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Шерали Худойбердиев билан чиқишиб қолди ва унинг уйида сомса пиширишдан, тўрт-беш сўм топа бошлади. Ҳар ҳолда куни ўтиб турганди. Устасига ҳам қўли енгил шогирд маъқул эди.

Нима бўлди-ю, Шерали тўнғич фарзанди Манзуранинг туғилган кунини нишонлашни кўнглига тугиб, туш пайти шаҳар марказидаги бозорга савдо қилгани тушди. У бозорда Фаёзнинг отаси Рауфни учратди. Шерали ота-ўғилни яраштириш мақсадида уни уйига таклиф қилди. Уйга қайтиб Фаёзга бозорда отасини кўрганини ва уларни яраштириш истагида эканини айтди. Фаёз ўзингиз биласиз, дея елка қисди.

Орадан кўп вақт ўтмай, шумқадам ота кириб келди. Ўша куни улар дид билан безатилган дастурхон атрофида анча ўтиришди. Тобора кайфи ошиб, кўзига дунё қоронғи кўринаётган Рауф ўғли Фаёзни ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, яна бир ароқ олдирди. Шералининг «Энди ичмайман» дейишига қарамай, унинг пиёласига ҳам ароқ қуйди-ю, «Пиёлани ол, тирранча» деб бошига бир мушт урди.

- Ие, еб-ичиб, туздонга тупурмак нимаси? - деган Шералининг ўнг қўли катта бармоғини Рауф ваҳшийларча тишлаб олади. Шерали оғриққа чидай олмасдан, Рауфни ён кўкрак қафасига чап қўли билан уриб йиқитади. Ота ерга йиқилиб тушгач, «Фаёз, ур уни» деб бақиради. Шундан сўнг Шерали курагида кучли оғриқ сезиб, ҳушидан кетиб йиқилади. Анча пайтдан сўнг ўзига келиб, атрофида ҳеч ким йўқлиги, қолаверса, ота-ўғиллар дарвозани беркитиб қочиб кетганлигини сезади. Хонадон соҳибига калтаклангани алам қилади, қариндошларини йиғиб, ота-ўғилга деҳқон бозорининг туман «Пахтабанк» қаршисидаги дарвоза олдида етиб олишади. Шунда Рауф чўнтагидаги пичоқ билан Шералининг кўкрагига икки маротаба уриб, жароҳат етказади. Тобора ваҳшийлашиб кетаётган Рауф учинчи маротаба пичоқ билан урмоқчи бўлиб ҳамла қилганида, у ўзини олиб қочишга улгуради ва воқеа жойига Шералининг укаси Шамшод келиб, Рауфнинг қўлидан пичоғини тортиб олиб, акасини туман марказий шифохонасига жойлаштиради.

Биз бу билан Шералини мутлақо оқламоқчи эмасмиз. Боиси у ушбу мудҳиш воқеанинг юзага келишига маълум бир маънода сабабчи бўлган. Дейлик, жиноятчи Р.Раҳимовни уйига таклиф этиб, дастурхонга спиртли ичимлик қўймаганида ёки дастлабки тортишувдан сўнг унинг орқасидан бориб, яна жанжални давом эттирмаганида, балки шу кўнгилсиз воқеа рўй бермасмиди?

Суд судланувчи Р.Раҳимовга жазо тайинлашда унинг муқаддам судланмаганлиги, содир этган жиноятидан пушаймонлиги ҳамда унинг қарамоғида 7 нафар фарзанди борлиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишини инобатга олди. Аммо нима бўлганда ҳам оқ шиша ичидаги «қора чаён» ўзининг ёвуз ниятига етди. Иродаси суст Р.Раҳимов, жиноятнинг туғилишига сабабчи бўлган Ш.Худойбердиевлар унинг «найзасига» нишон бўлдилар.

Раҳмон ФАЙЗИЕВ,
Ғиждувон туман прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси,
Шавкат НОСИРОВ,
журналист

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Дилбар РАЖАПОВА

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ражапова Дилбар Саидниёзовнани бевақт ўлим айни камолот чўққисига эришган бир паллада орамиздан олиб кетди.

У 1958 йилда Термиз туманида туғилган, 1981 йилда Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Қизириқ туман юридик маслаҳат уйининг мудираси вазифасидан бошлаган. 1982-86 йилларда Ўзбекистон Ангор тумани ёшлар қўмитасида ишлаган. 1986-98 йилларда Ангор туман ФҲДЁ бўлими мудираси, 1998 йилдан буён Сурхондарё вилоят Ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган эди.

Дилбар Ражапова қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, ўзининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлик фазилатлари билан жамоанинг ҳурмат-эътиборини қозонди. У чуқур билимга, катта тажрибага эга эди. Кўплаб ёш мутахассисларга устозлик қилди.

Марҳуманинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ҳамкасблари ва дўстлари

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-316 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А.ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 4
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0041- сон билан рўйхатдан ўтган.